

## Ҳадис дарслари (147-дарс). Ниятимизни тўғрилайлик!



17:00 / 28.07.2021 5080

م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ص ي ب ن ل ا ن ع ه ل ل ا ي ص ر ف ي ن ح ن ب ل ه س ن ع  
ت ا م ن ا و ا د ه ش ل ل ز ا ن م ه ل ل ا ع ل ب ق و ص ب ع د ا ه ش ل ل ه ل ل ا ل ا س ن م ل ا ق  
ي ر ا خ ب ل ل ا ل ا ه س م خ ل ل ا ه ا و ر ه ش ا ر ف ل ع

Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳдан сидқидилдан шаҳидликни сўраса, гарчи кўрпасида ўлса ҳам, Аллоҳ уни шаҳидлар мартабасига етказди», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шариф Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. Аввало у киши билан танишиб олайлик:

Саҳл ибн Ҳунайф ибн Ваҳб Авсий ал-Ансорий, кунялари Абу Саъийд.

Исломга биринчилардан бўлиб кирган саҳобалардан. Бадр ғазотида иштирок этганлар. Уҳуд ғазоти куни айтилган вазифада собит туриб, сўнг бошқа ҳамма ғазотларда иштирок этганлар. Муҳожир Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу билан исломий биродар бўлганлар, Ислом йўлида ҳамма қийинчиликларга чидашга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилганлар.

Ҳазрати Али Мадинадан Басрага кўчганларида Саҳл розияллоҳу анҳу у кишининг ўринларига Мадинада бошлиқ бўлиб қолганлар.

У киши Сиффийн жангида Али розияллоҳу анҳу билан бирга бўлганлар, Форс шаҳарларига волий бўлган саҳобалардан эдилар.

Ҳаммаси бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 40та ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан Абу Воил, Абийд ибн Саббоқ, Абдурроҳман ибн Абу Лайло, ўғиллари Абу Умома ва бошқалар ривоят қилдилар.

Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 38-санасида Куфада вафот этдилар. У кишига Али розияллоҳу анҳу жаноза ўқидилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадиси шарифларида сидқидилдан қилинган ниятнинг қанчалар фазилатли эканлигини баён қилмоқдалар. Ушбу ҳадисдан мусулмон одам улуғ мақомларга эришишни сидқидилдан тилаб юриши лозимлигини тушуниб оламиз. Чин дилдан сўралмаса, ҳеч бир нарсага эришиб бўлмайди. Жумладан, Исломда банда учун энг олий мартаба ҳисобланган шаҳидлик мартабасига ҳам ана шундай тилак орқали эришилади. Чунки шундай тилак бўлмаса, ҳеч ким жиҳодга чиқиб, ўлимнинг юзига тик боқа олмайди.

Ушбу ва бошқа ҳадислардаги сидқидилдан ният қилиш маъноси банданинг бировга билдирмай, холис қалб ила ўзи билан Аллоҳ ўртасида аҳд қилишидир. Агар бу нарса бошқа бировга билдирилса, риёга айланиб қолади. Шунинг учун ҳам шундай ният қилган одамга шаҳидлик мартабаси ваъда қилинмоқда. Агар нияти амалга ошиб, жиҳодга чиқиб, шаҳид бўлса, айни муддао. Аммо жиҳодга чиқа олмасаю, уйдаги кўрпа-тўшаги устида ўлиб қолса ҳам, сидқидилдан қилган нияти туфайли шаҳидлик даражасига эришади.

Демак, биз ҳам доимо чин қалбдан, сидқидилдан Аллоҳ йўлида хизмат қилишни, зарурат туғилса, шаҳид бўлишни тилаб яшамоғимиз лозим.

Эҳтимол, бугунги ҳаётимиздаги муваффақиятсизликларимизнинг сабаби ниятларнинг сидқидилдан бўлмаётганлигидандир. Ниятимиз бузилиб, Аллоҳнинг розилигини эмас, бошқа нарсаларни тилашимиздандир. Шунинг учун ниятимизни холис қилайлик!

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди***